

ЎЗБЕКИСТОН

МУСТАҚИМ ГАЗЕТА

18-24 октябрь
2000 йил
42 (195) - сон

Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

ТАШРИФ

ҚАРС ИККИ ҚўЛДАН

П. КУЧМА: Ўзбекистон келажagini яратаяпти!

А. СЕЗЕР: Салоҳиятларимиз янада буюк!


Куз ўзининг тўкин-сочинлигию серфайзлиги билан иқтисодига эмас, балки сиёсатга ҳам таъсир этмай қуймаслиги шу кунларда яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда. Сўнгги ҳафтада юртимиз ва жаҳонда рўй берган воқеа-ҳодисаларнинг мулти-турли учрашув ва машваратларга бой ўтганлигининг ўзбек фикримизга далил бўла олади.

12-14 октябрда Украина давлат раҳбарининг Ўзбекистонга расмий ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди. Музокаралар жараёнида ҳар иккала давлатларнинг Президентлари ўзбек-украин муносабатларининг бугунги аҳволи ва кенг қўламдаги икки томонлама ҳамкорлик масалалари, унинг истиқболлари, бир қатор минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама қилдилар. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов билан Украина Президенти Л.Кучменин Қўшма Баёнида ҳар икки халқ орасидаги аёнанавий дўстлик ва биродарликка асосланган тенг ҳуқуқли ҳамкорлики янада кенгайтириш, стратегик шерикчиликни яна ҳам чуқурлаштиришга ёрдам берадиган механизмларни яратиш зарурати эътироф этилди. Олий Томонлар Афғонистон масаласини тинч йўл билан

ҳал этиш имкониятларини муҳокама қиларкан, иккала мамлакат раҳбарларининг фикрлари бу борада яқдиллиги намоён бўлади. Унга қўра БМТ муваффиқлиги ва етакчилик ролини ўйнаган ҳолда Афғонистон бўйича "6+2" гуруҳи механизмининг фаолроқ қўллаш зарурати таъкидланди. Шунингдек, Украина Президенти Леонид Кучма Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ доирасида Терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш ташаббусини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ташриф давомида бошқа бир қатор икки томонлама халқаро шартномалар имзоланди. Меҳмон Президент — ўз ташрифини қадимий Бухоро шаҳридаги қадимий қўлаб-қувватлаш билан якунлади. — Мазкур меъморий обидаларнинг қиёфасига қараб, мамлакатингизда маънавий қадриятларга қанчалик катта эътибор берилётганини, ўз тарихига бўлган улкан эъзозни кўриш мумкин, — деди юксак мартабали меҳмон. — Бухоронинг қадимий обидалари мени ҳайратга солди. Бу бинолар нафақат Ўзбекистон халқининг, балки бутун дунёнинг мулкидир.

Украина Президентининг бу самимий эътирофи расмий ташрифининг нақадар самарали ўтганидан далolat беради.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан Туркия Республикаси Президенти Ахмет Неждет Сезер 16-17 октябрь кунлари расмий ташриф билан юртимизда бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Туркия Президенти ўзининг Марказий Осиёга қилган ташрифини Ўзбекистондан бошлаши ҳам мамлакатимизнинг минтақада тутган ўрни нақадар салмоқли эканини аниқлашга ёрдам берди. Ҳўш, Президент Ахмет Сезернинг Ўзбекистонга илк ташрифи нимаси билан аҳамиятли?

Манбаларнинг тарқатган хабарларига қўра, Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтarkan, икки мамлакат президентлари Ислам Каримов ва Ахмет Сезер яккама-якка суҳбатлашган. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқлоли билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган, бошқа масалалар муҳокама

қилинган. Маълумки, тили, дини, тарих ва маданияти муштарак бўлган икки халқнинг ўзаро алоқалари бугунги кунда янада янги босқичга кўтарилаётгани шубҳасиз. Музокаралар чоғида ижтимоий, маданий соҳадаги масаласи ҳам атрафлича кўриб чиқилди. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Туркия ўртасида ҳамкорлик тўғрисида президентлар томонидан қўшма баёнот имзоланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Мудофаа вазири Қодир Фуломов ҳамда Туркия Қуролли қўчалари бош штаби бошқармаси бошлиғи генерал-лейтенант Унол Унсипохи ўғли президентлар томонидан имзоланган қўшма баёнотларни ҳар томонлама мустақам-лайдиган ва қўчайтирадиган ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги ҳуқуқматларро битимга имзо чекишти.

Туркия Президенти Ахмет Сезер, расмий ташрифи якунига етаркан, кеча Ашгабатга жўнаб кетди.

“ШАРҚ” ОНА ПУТФ

“МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” сари “ИШОНЧ” билан кетаётган “ТУРКИСТОН”даги “МАЪРИФАТ”ли “ФИДОКОР”ларга “ХАЛҚ СЎЗИ”ни “ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ” дея “АДОЛАТ”ли “ДАРАКЧИ” бўлиш учун ҳам “ХУРРИЯТ” зарур!

Шунинг учун ҳам “ХУРРИЯТ”га обуна бўлинг! “РЕСПУБЛИКА”да ўзингизни “МУЛҚДОР” ҳис қилиб, “ТОШКЕНТ ОҚШОМИ”да “ТОНГ ЮЛДУЗИ” кўрингунича “ГУЛЧЕХРАЛАР” билан “ТАСВИР”га тушгандан сўнг, гоҳ “АФАНДИ” айтиб, гоҳ “СОҒЛОМ АВЛОД” “МОҲИЯТ”ини ўйлаб, “ОИЛА ВА ЖАМИЯТ” даврасида “СУҲБАТДОШ” бўлиш учун ҳам “ХУРРИЯТ” лозимдир.

“ХУРРИЯТ” га обуна бўлинг, ютқазмайсиз!
Шарофиддин ТУЛАГАНОВ

Узрадио

СПОРТ

БОШ СОВРИН —

БОШ МУҲАРРИРГА

“Суҳбатдош” газетасининг иккинчи саҳифасида бир интервью босилди. Мақола “Йўлчиёвнинг қирралари” деб номланади.

Мухбир “Наманган ҳақиқати”нинг муҳаррири, Фарход Йўлчиев билан суҳбатлашган.

Фарход Йўлчиевни Наманган аҳли тажрибали журналист, ўткир қалам соҳиби сифатида яхши билади. Юқоридаги мақоладан аён бўладики, Фарход ака дурустгина спортчи ҳам эканлар...

Наманган вилоятида Мустақиллик байрамига атаб вилоят ҳокимлигининг соврини учун спорт мусобақалари ўтказиш амалига айланди. Бу йил вилоят ҳокимлигининг бош соврини учун ўтказилган теннис мусобақаси гоят қизгин беллашувлар, кескин курашлар руҳида ўтди. Бош совринга даввогарлар кўпчилик эди. Лекин у журналист Фарход Йўлчиевга nasib эди.

Бош муҳаррир спортчи бўлганидан кейин ижодий жамоа аъзолари қаерга борар эди. Улар ҳам ижоддан кейин албатта спорт билан шуғулланиди-да. Аёллар ўртасида ўтказилган катта теннис мусобақасида газета ходимаси Васила Турдибоева иккинчи ўринни эгаллади.

Маммур МУСУЛМОНОВ

ҲАЯЖОН

МАНЗИЛИНГИЗ ҚАЙДА, ГЎЗАЛ ҚИЗ?

12 октябрь куни пойтахтимиз бўйлаб ҳаракат қилувчи автобус, троллейбус, трамвай ва метрода ўтказилган тadbирдан ҳаммаимизнинг хабаримиз бор.

Бу тadbирнинг ўтказилишидан мақсад ҳақида ҳам кўп гапирилди.

Уша куни талабалар тadbир фаоллари бўлишиди. Улар кун буйи фақат шаҳар кўчалари бўйлаб сайхат қилишди.

Шу куни бир автобусда шундай воқеанинг гувоҳи бўлдим. Навбатчи талаба йигитлар автобусга чиқаятган қизларга варақа тутқазаятиб, “Гўзал қиз, телефон ва манзинингизни ёзишни унутманг!” деган ҳазил сўзларини айтишарди.

Кувлик билан айтилган бу сўзларга қизлар томонидан майин табассум ҳадя этиш билан кифояланганини кўриб, ҳаяжонландим.

ТОЛИБА

ДИҚҚАТ!

“ХУРРИЯТ” ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ!!!

21 октябрь соат 10.00да

“Олимпия шон-шўхрати” музейи боғида “Хуррият” мустақим газетаси ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамкорлигида югуриш бўйича ижодкорлар орасида ким эбжир, чаққон эканини аниқлаш мақсадида мусобақа ўтказилмоқда.

“Хуррият” соғлом ва чаққон журналистга фидо!”

Мусобақасига нафақат пойтахтдаги, балки вилоятлардаги журналистлар ҳам тақлиф этилади.

Ғолибликка талабгорлар қуйидаги ёш гуруҳлари бўйича беллашадилар:

- 60 ва ундан катта ёшдаги эркаклар — 300 метрга;
- 46 — 59 ёшдаги эркаклар — 500 метрга;
- 30 — 45 ёшдаги эркаклар — 1000 метрга;
- 20 — 29 ёшдаги эркаклар — 1000 метрга.

Мусобақаларга қатнашиш истагида бўлган барча талабгорларни рўйхатга олиш бошлаб юборилди.

Телефонларимиз: 133-69-45, 136-53-63

Ғолибларни қимматбаҳо совринлар кутмоқда!

ХАБАР

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — МИЛЛАТ ГУЛТОҶИ

Юксак маънавият сари интилиш мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртиларидан бири бўлган Тошкент давлат юридик институтида “Миллий маънавият — мустақил-лигимиз асоси” мавзусида бўлиб ўтган маънавий-маърифий семинар анжуманларининг мазмунини ташкил этди. Устоз ва мураббийлар байрами арафасида бошланиб, якунида ўз ниҳоясига етган ушбу семинар дарсларидан кўзланган мақсад ҳам “Устоз ва шогирд бирлиги” заминида мустақил-лик маънавиятини тараннум этиш, ёшларни эркин ва мустақил фикрлашга одатлантиришдан иборат эди. Шу билан бирга талабаларда илмий баҳс, ижодий ва ҳаётий мулоқот кўникмаларини ҳосил қилиш, келажакда буюк Ўзбекистон диярини мадҳ этиш баробарида уларда Ватан туйғусини ривожлантириш бош масала қилиб қўйилди.

Дастлабки анжуман 1-ҳуқуқ факультетининг биринчи курс талабалари уюштирган “Мустақиллик — олий неъмат” мавзусига бағишланган бадий-музикавий мушоира бўлиб, у барча анжуманлар руҳини белгилаб берди. Унда шоирлар Хосият Рустамова, Фароғат Камолова, Халима Аҳмедова ўзларининг она-юрт, озоодлик ва муҳаббат ҳақидаги шеърларидан намуналар ўқидилар. Республикада хизмат кўрсатган артистлар Замира Раҳматуллаева билан Маҳмуд Намозов Мустақиллигимизни тараннум этувчи дилбар қўшиқлари билан семинар иштирокчиларини хушунд этдилар.

2- ва 3-ҳуқуқ факультетларининг шу йил талабаларига қабул қилинган ёшлари тайёрлаган “Инсонпарварлик — адабиёт ва ҳуқуқнинг бош мезони”, “Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир”, “Оламини маҳлиб айлаган дияр” ҳамда “Ватан юрак каби ягонадир” мавзуларидаги тadbирларда бугунги кун нафаси уфуриб турди. Ҳар бири олам-олам қувончу ўчмас таассурот қолдирган мазкур семинар анжуманларида ёшларнинг севишли шоирлари Йўлдош Сулаймон, Усмон Азим, адабиётшунос олимлар Абдуқодир Хайитметов, Азиз Каюмов ҳамда “Тафаккур” журналининг ижодий жамоаси қатнашиб, Ватан ва бурч, дўстлик ва сadoқат тўғрисида сўз юритдилар. Дилдан сўхат қизгин савол-жавобларга, шеърхонлик эса катта мушоирага айланиб кетди.

3-ҳуқуқ факультетининг 1-курс талабалари уюштирган “Маънавий юксалиш — миллат ютуғи” деб номланган очик мулоқот семинари ўтказилган барча анжуманларнинг энг қизиқарли ва фойдалиси бўлди, десак хато қилмаймиз. Бу кун ёшлар хотирасида бир умр сақланиб қолишига шубҳа йўқ. Чунки айни шу анжуманда 2000 йил талабалик сафига қабул қилинган бўлуси ҳуқуқшуносларга талабалик гувоҳномаларини топшириш маросими бўлди.

Анжуманга ташриф буюрган Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг актери, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов маънавий юксалишда театрининг ўрни ҳақида гапириб, талабаларни қизиқтирган бир қанча саволларга жавоб берди. Учрашувнинг яна бир меҳмони — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори Хожияқбар Ҳамидов ҳам маънавият ва иқтисодийнинг ажралмас бирлиги тўғрисида сўзлаб, ўзининг лирик қўшиқлар гулдастасини анжуман аҳлига табрик сифатида инъом этди.

Гулчехра ХУЖАНОВА,
Тошкент давлат юридик институтининг ўқитувчиси

ХИЖМАТ
Ҳар қандай вазиятда
ҳам тушқунликка тушма!

Араб халқ мақоли

КИЎС

Бу йил ОПЕК давлатларининг нефть сотишдан оладиган фойдаси 255 миллиард \$ га етади. Бу ўтган йилнинг тўққиз ойидаги даромаддан 86 фоиз юқоридир

РАКАМ

Грознийда содир этилган портлаш натижасида 7 киши ҳаётдан кўз юмди, 20 киши жароҳатланди

ХИМОЯ
Хукмдан кейинги
уйлар ёхуд яна
бир бор қарга
карганин
қўзини
чўқимаслиги
ҳақида

АЙБ ИЗЛАЙВЕРАМИЗМИ? ТОҒАВЕРАМИЗМИ?

ФАОП
МУАППИФИМИЗ
ЖАВОБ БЕРАДИ

ХИЗМАТГА ТУХМАТ

Бозор иқтисодиётини ривожланган банк тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Ҳатто баъзида банк тизимини қўлиб қўйишнинг кон томирига ҳам ўхшатишди.
Маълумки, сарможа бор ҳолида — фаолият бор. Шу сабабли, бизнинг содда тушунарчига қара, банк сарможадор ва маблағга муҳтож ўрта сийдиги воситадир. Айни пайтда, банк кредит, яъни қара бериб, шунинг фоиизи ҳисобига маблағини қўлайтирчи ташкилот.

“Ўзбекгазувқурилиш” ҳиссадорлик жамияти ва “Электрасбоқкомплект” ишлаб чиқариш фирмаси ўртасида 92-рақам билан шартнома тўзилади. Унга қара, жамият фирмадан ҳаммиқдор 2235 тонна бўлган, умумий қиймати 141 миллион 165 миң сўмлик қувур сотиб олади.
Ушбу шартнома имзоланган чоғда ҳиссадорлик жамияти ҳисоб рақамидан 8 миллион сўм пул бор эди. Шартнома талабига қара, 20 миллион керак.

қариш фирмаси раҳбари Мкртчянга қидирув эълон қилинди...
Аммо...
1998 йилнинг 7 сентябрида бонк бошқарувиши Александр Петрович Ревинга қарши жиноий иш қўзғатилади ва у ҳаффи жинояти сифатида қамоққа олинади. Дастлаб Ревин ЖКнинг 205-моддаси (“...мансаб ваколатини суистеъмол қилиш...”) билан айбланади.

Энг асосийси суд жараёнида бўлди. А.Бутаев судда маъзур хулосани Тошкент шаҳар прокуратураси тақдим этган ҳужжатлар асосида ёзганини, шахсан ўзи текширув олиб бормаганини, банк ҳужжатлари билан таъинишмаганини тан олди! Бу ҳам ҳаммаси эмас. Бутаев комиссия аъзоси сифатида кредит ажратишда банк томонидан қонун асло бузилмаганини эътироф этмоқда. Худди шундай хулосани “Ракат” бўлими кредит қўмитаси аъзолари Р.Шамсиев, В.Рассадкин, Т.Мобечёва, Д.Абдуқодиров, О.Яковлева ҳам тасдиқлади. Булар қамини? Унда сизга даъво эътибор: 1) СКБнинг 20.11.1997 йилги хати; 2) Марказий Банк тижорат банкларини текшириш департаменти инспектори 4.08.1997 йилда имзоланган далолатнома; 3) “Ракат” бўлимини тафтиш қилиш яқинлашган бўлишига қара, 31.07.1997 йили тузилган маълумотнома.

(!) ниманидир (келинг, бу ҳақда ортиқча мулоҳазаларга эрк бермайлик) қутиб ётди.
Ниҳоят, судья А.Маҳаммадов раислигида (у ҳам энди собиқ суд бўлиб ва Александр Петрович Ревин мол-мулки мусодара қилиниб, 15 йилга “қесилди”). Бечора банкир ЖКнинг қатор моддалари бўйича “айбдор” деб топилди. Жумладан, “Маъсул мансабдор шахс томонидан пора олиш” (210-модда), “уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини қўзлаб содир этилган фирибгарлик” (168-модда), худди шу мақсадларда ўзганини мулкни ўзлаштириш (167-модда) ва ҳоказо... Айтишдан, суд раиси терговчиларнинг ҳар бир хулосасини исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат деб қабул қилган.

Маҳмуд УМАРОВ,
ҳуқуқшунос
“Ракат” бўлими кредит қўмитаси аъзолари Р.Шамсиев, В.Рассадкин, Т.Мобечёва, Д.Абдуқодиров, О.Яковлева ҳам тасдиқлади. Булар қамини? Унда сизга даъво эътибор: 1) СКБнинг 20.11.1997 йилги хати; 2) Марказий Банк тижорат банкларини текшириш департаменти инспектори 4.08.1997 йилда имзоланган далолатнома; 3) “Ракат” бўлимини тафтиш қилиш яқинлашган бўлишига қара, 31.07.1997 йили тузилган маълумотнома.

2001 йилда “Хуррият” муштарийларига қандай мақолалар тақдим этмоқчисиз?
Исмоил ШОМУРДОВ:
— Авваламбор “Хуррият”га ўз миннатдорчилигини билдириб қўйишим лозим. Узағалар фикрига тоқат қилувчи, ҳурмат билан муносабатда бўлувчи ва mening ҳам мақола ёза олишимга ишонувчи (бошқалар неғадир бунга ишонмади) шундай бир газетанинг мавжудлиги жуда қувончли ҳол ва, ҳатто, гоҳида шундай газета чиқаришнинг ўзининг бахтиёр ҳис қила болайсан, киши.



Келаси йилда, ниҳоят меҳнат тақсироти ниҳоят ҳал қила олсак, Турсунали Акбаров билан икки йилдан бўён ёзмоқчи бўлаётганимиз фожия қизлар фаолияти тўғрисидаги “сенсацион” мақола битилиб қолар. Ҳозирча эса маъзур масаланинг амалий томонларини қим қилганимиз йўқ...
Агар жиддий айтаётганим бўлса, ўзим сир-сириноатларга ўнчалар ишонавермасам-да, анча иримчи йигитман, шунинг учун олинган аниқ бир нарса дейишим қийин. Умуман олганда, 2001 йилда, агар газета эълон қилиб борадиган бўлса, ниятлар мўл. Насиб этсаю ақлим ёта саноат ва жаза, ахлоқ, адабиёт ҳусусида ёзаман деб ўйлаб қўйган ниятларим бор... Умуман, режалар қўп, аммо орзу-ниҳоят қаноти бор, ақлда эса оёқ ҳам йўқ — унинг эл суралиб ўришга қўп нарсаларни амалга оширолмай қолсан, киши.

ХАБАР

ЖУРНАЛИСТ
ТАШАББУСИ

Сирдарёлик журналист Жўра Умарқулов (Ўткир Жўра) қомил инсон тарбиясида миллий маънавиятимиз ўрни мавзусида оммавий ахборот воситалари ва эл орасида мароқли суҳбатлари билан фаол иштирок этиб келяпти. Яқинда унинг ташаббуси билан Ўзбекистон журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ва вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида “Маънавият ва маърифат” курсатувларини бошлашди. Суҳбатга Гулистон давлат университети ректорининг муовини Равашон Маҳмудов, таниқли журналист, ёзувчи Саминжон Султонов, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши вилоят бўлими масъул котиби, доцент Солижон Қудратов, Гулистон шаҳар тугруқхонаси бўлим мудири Мастура Нурмухамедовалар тақдир қилинди.

ТИЛ

ОР-НОМУСНИНГ
ТАРЖИМАСИ БОРМИ?

Тилимизда миллат менталитетини, қиёфасини ифодалайдиган шундай сўзлар борки, уларни бошқа тилга таржима қилиш, ҳатто маъносини изоҳлаб бериш мушкул. Бу сўзлар ҳалқимизнинг асрий анъаналари, бой тарихий қемчиши билан боғлиқ.
Ўзбекининг ўзалигини қатрадаги қуёш каби акс эттирувчи бу таъкидчи Юртбошимиз қўлдан айтиб келадилар. Олий Мақлиснинг III сессиясида яна бу ҳақда гап борганида мен бир дўстим билан сўз маъноси ҳақида баҳслашганим эсимга тушди. Оврўпча тарбия қўрган оғайним лугатлар ёрдамида ҳар қандай сўзни шарҳлаш, изоҳлаш мумкин, деган фикрда экан.

ЭДНОМА

БЕНАЗИР ИНСОН
ЭДИЛАР...

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Қазба вайрон бўлса обод айлағай.
Алшпер НАВОЙИ
...Инсон ўтмишга қараб туриб келажак сари қадим ташлаблайди. Шўрки, мазий лавҳалари бизнинг кўнглимизда фахр туйғуларини солади, улуг аждодларимиз ёди эса диллимизда гурур ўйотади.

ОДАМ БОРМИ — АЙБ
ТОПЛАДИ!

Ҳа, айтидан шафқатсиз жаза солаш машинаси мана шу манжик асосида иш қўриган қўринадди.
Прокуратура терговчаси Р.Турсунов (бугунги кунда собиқ) А.П.Ревинга жиноий гуруҳ бўлиб ўғирлик қилиш айбини тақдир. Гуё улар уч киши бўлиб (тўғри, учинчи киши қим экан) лугатини хозиргача ҳеч қим билмайди, ҳатто, кейинроқ бўлган пойтахт суди раёсати ҳам бу мавзуда сукот сақлаган) қатта миқдорда, гаразли мақсадларда, ўзганини мулкни... хуллас, у ёғи маълум... Жаноб Турсунов гумондор билан бор-йўғи бир марта учрашган чоғидаёки шунча айб тополгани кишини ўйлантриб қўяди.

АДОЛАТ ТОМОН БИР
ҚАДАМ

Энди ҳаттич қарор топади, дея енгил нафас олгандик.
Зеро, ишни батафсил ўрганиб чиқишга уринган Раёсат ўз исботини толмаган айблов сифатида Ревин бўйича қўйилган ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” “в” бандларини олиб ташлади (“фирибгарлик: а) жуда кўп миқдорда; в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини қўзлаб содир этилган...”).

PS.Бу мақола балки ёзилмас
ҳам эди. Аммо кунни кеча “Электрасбоқкомплект” ишлаб
чиқариш фирмасининг собиқ
раҳбари — кидирувдаги
Мкртчян қўлга олингани
ҳақидаги хушхабарни эшит-
дик. Шўбхасиз, бу ишдаги
ассий айбланувчининг қўлга
олиниши қўп саволларга
ойдинлик қилди. Бироқ...
Мкртчян Россия фуқароси,
бинобарин, у яқинда чиққан
Амнияти акти тўғрисида
жаздан озод этилиши мумкин...
Бизнинг Ревин ҳам шундай мурув-
ватга жуда муҳтож, бунга асос
эса юқоридagi мулоҳазалар...
Демак, биз мақоламизга ҳук-
та қўймай тураимиз...

ИНСОФ САРИ
БАРАКА

Ўғли ўлган асринг ўрталарида туғилгани маълум. У кишининг болболари Қўшларбеги мадрасасида мудarris бўлиб ўтган эканлар, инчунин, оилада Қуръони Карим, ҳадислар, фикҳ илимдан чўқур билим олинганлиги беғумон. Устига-устак (ушбу таъкидди уш зотнинг неваралари Эмин ака Маҳаммад суҳбатимиз чоғи бот-бот такрор қилдилар), ҳалол лўқма еб кун қўрган отадан бунёд бўлган фарзандда иймон саломат, эътиқод мустаҳкам бўлар...
Ўғли илми эмас, ҳалол тижоратни танадди. Базозолик, яъни газламафурушлик у кишининг асосий касб-кориди бўлди. Баракасини берса ҳеч гап эмас экан, тез орада Тошкентнинг олд сармождорлари билан бирига айланди. Агар ўша пайтлари Тошкентда туртта бой бўлса, улардан бири шу инсон эди.

ЖАВОБ

ШҮРЧИДА
“ТОЛҚУЧКА” ЙҮҚ!

Сурхондарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси раҳбарияти “Хуррият” мустақил газетасининг 2000 йил 20-26 сентябрь 30-сонида босилган “Пахта ёғи керакми, Шўрчига кеп қолинг” сарлаҳали мақола бўйича текшириш ўтказди. Ўтказилган текширишда қўйидагилар аниқланди.
1. “Хуррият” газетасининг маъсус муҳбири Д.Ориповнинг таъкидий мақоласида “Денов-Термиа” йўлининг Шўрчи бозорига туташ жойида ўсимлик ёғи сотиладиган бозор (бозорча) борлиги ҳақида сўз юритилган. Ҳақиқатда ҳам Шўрчи туманининг марказидан ўтказилган йўл ёқасида бозор бор. Лекин “толқучка” деб атаса бўладиган ва пахта ёғи сотиладиган бозорчи йўқ ва у тегишли давлат органлари рўйхатида қайд этилмаган.
2. Масалга аниқлик киритиш мақсадида 2000 йил 27 сентябрь кунги пахта ёғи сотилиши мумкин бўлган жой назоратдан ўтказилди ва шу кўчада фаолият кўрсатилган дўкондорлар билан суҳбат қилинди. Уларнинг таъкидлашича, бундан 2-3 ой муқаддам 2-3 нафар фуқаронинг пахта ёғини яширинча сотганилигини айтишди. Ҳозирги пайтда эса ўсимлик ёғи сотиш солиқ ва милиция ҳодимлари томонидан назоратга олинганлигини қайд этишди.
3. Шўрчи туман давлат солиқ инспекцияси ҳодимлари шу йилнинг 1 январидан 27 сентябргача бозорларда назорат текширишларини ўтказишган. Текширишларда инспекция ҳодимлари ҳам иштирок этишган, текшириш жараёнида олти нафар ўсимлик ёғи сотувчи ҳужужазлар аниқланиб, 13,2 миң сўмлик ўсимлик ёғи олиб қўйилган. Уларнинг 3 нафарига нисбатан 25,3 миң сўмлик маъмурий жарима қўлланилган. Шу йилнинг 21 июли кунги ўтказилган текширишлар тўғрисида 2 ҳолатда қиймати 12 миң сўм бўлган ўсимлик ёғи сотаётган қонунбузарлар ушланиб, улар устидан тўпаланган ҳужжатлар чоға қўриш учун туман судига юборилган.
“Хуррият” газетасида босилган “Пахта ёғи керакми, Шўрчига кеп қолинг” мақоласи туман солиқ инспекциясининг 22 сентябрь кунги бўлиб ўтган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилди ва муҳокама қилинди. Мақола асосидан тузилган тадбир тасдиқланди ва тегишли қарор қабул қилинди.
Мақола вилоят Давлат солиқ бошқармасининг “Солиқчи минбари” газетасининг 2000 йил 28 сентябрь 18(116)-сонида қўйиб босилди. Вилоятдаги шаҳар ва туман солиқ инспекцияларида муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгилаш инспекция бошқармаларига топширилди. Умид қиламизки, мақола пахта ёғи ва бошқа махсуслотларни сотувчи қонунбузарларни тартибга солишда ўзининг ижобий самарасини беради.

МУНУСОБАТ

ЭЪТИБОР

Мен бу саволга қуйидагича жавоб қайтарган бўлар эдим. Туман газеталари энг керакли ва айни пайтда зарур нашр. Нега? Бизнинг Янгикўрган туманида 150 миңдан ортқ аҳоли яшайди. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Газета нафақат оммавий ахборот воситаси, балки оммавий тарбиянинг ажралмас бир бўлағи ҳамдир. Мисолни соҳалар эмас, ўзимизнинг “Янгикўрган ҳаёти” газетасидан келтирсам. Газетада “Барҳад сиймолар” деган рўн остида қўлаб мақолалар бериб борилади. Унда туманининг турли қишлоқ ва овулларида яшаб ўтган, ҳозирда орамизда йўқ кишиларнинг ҳаёт йиллари ҳикоя қилинади. Бизда ўтганлар доимо яхшилик билан ёдга олинади. Газета ҳодимлари айни шу йўлни танлагани нур устига айлиб нур бўлди. Шу кунгача ўттиздан ортқ халқ юрт хизматига бўлган барҳад сиймоларнинг ҳаёт йилларини ўқидик. Уларнинг ҳар бири ёш авлодга ибрат бўлади.

МУНУСОБАТ

ЭЪТИБОР

Матбуот — тарбиянинг бир бўлағи
“Хуррият” газетасининг кейинги сонларида бир қатор муҳим мавзуларда мақолалар эълон қилинмоқда. “Туман газеталари керакми?” ана шундай муҳим мавзулардан бирига айлиниб қолди. Саволга қўпчилиқнинг ҳар хил жавоб бериши табиий, албатта. Халқда “Ҳар қим ўз қаричи билан ўлчайди” деган гап юради.

МУНУСОБАТ

ЭЪТИБОР

Туман газеталари керакми ёки йўқ? Бу савол бежиз ўртага ташланмаган. Утиш даврининг оғир синовлари газетачиларни ҳам қийнаб қўйганлиги сир эмас. Мисолни яна “Янгикўрган ҳаёти” газета тахририятидан келтирсам. Буни очит эътироф этиш керак. Редакция 1998 йили 532 миң сўм зарар билан яқунлади. Газетанинг сифати ўта паст, мақолаларнинг савияси ҳам шунга яраша эди. Газетада ишлаётган муҳаррирдан тортиб, техник ҳодимгача ўз вақтида ойлик маошларини ололмас эди. Редакция биносининг аҳоли янада ташвиши эди. Ўз вақтида таъмирланмаганлиги боис, томларидан ёмғир томчилари ўтиб ётарди.

МУНУСОБАТ

ЭЪТИБОР

Мухит яратилиши бирдан-бир йўли янги муҳаррирни танлаш эди. Қўпчилик вилоят телерадиокомпаниясида ишлаётган Қамбарали Иброҳимов номдонини тақдир этишди. Кенгашли тўй тарқалмас деганларидек, бу ўз натижасини берди. Қамбарали ўз атрофига қалами ўткир, тахрирбали журналистлардан Рустамжон Уматов, Шаҳзода Акбаров ва бошқаларни тахририятга ишга тақдир этиди. Бир йил ичида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий томонга ўзгариш бўлди. 1999 йилдаёқ 380 миң сўм фойда билан яқунлади. Бугун туман журналистларининг ўртача ойлик маошлари бошқа соҳаларга қараганда бирмунча юқори туради.

МУНУСОБАТ

ЭЪТИБОР

Бизнинг тарих ҳақидаги энг яхши маълумотни бадийий асар беради. Ҳақиқат ўй-ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” асарини кичик иқтибос келтирайлик: “Олим бува... сахарда туриб нон ёпади, нонни дўконнинг олдидagi тахтага дастлаб қўйганидан кейин чорвага қириб кетади-ю, шом қоронғисида чиқади; дўконга келиб нонни, тушган пулни санайди, пул баъзан кам келса керак, жаврайди, пул ёки нон кам келганига эмас, пул ташламасдан нон олиб кетган киши бировнинг ҳақини еб, дуъабий бўлганига қуяди...”

МУНУСОБАТ

ЭЪТИБОР

Эътибор беринг, ушбу ҳужжатли лавҳада асриниз бошидаги Қўкон тасвирланмоқда. Энди тасаввур қилинг: дўкон олдига иссиқхона нон дастлаб қўйилган, эгаси чорвоққа кетган — шом қоронғисида қайтади. Одамлар эса келиб нондан кераклисини олади ва ақчасини ташлаб кетади.
Холбуки, оч-яланғочлар, камбағаллар ўша даврда ҳам етарли. Қорни нонга тўймай юрганлар ҳам истаганча топилади.
Бирок бир сават иссиқхона нонни ҳеч қим ўғирлаб кетмасди ёки ноннинг пулини биров ими-ҳимиди ҳамнингга жойлаб олмасди.
Чунки эл иймон-эътиқодли эди, бировнинг ҳақидан ҳазар қиларди.
Чунки эл-райят пешона тери эвазига келган ҳалол

МУНУСОБАТ

ЭЪТИБОР

Элимизда азал-азалдан “Ун қўзинг қилган яхшиликнинг чап қўзинг билмасин” деган ҳикматли нақл бор.
Зеро, қўз-қўзланган, демак, миннатли саховатнинг савоби бўлмайди.
Ўқубжон бой тижоратдан ортирган сармосини баъзи бойваччалардек айш-шаратга, зеб-зийнат йиғишга эмас, эзгу ишларга, турли иншоотлар қуришга сарфлади. Мисол учун, шаҳар ободончилиги ҳамда Беклар-бегги мадрасаси учун доимо тагга миқдорда маблағ ажратиб турди.
Умуман, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Ўқубжон Ниёз Мухаммад ўғли Тошкент шаҳрида ҳамда 27 та иншоот бунёд эттирган. Булар сирасига Қум-ҳазор, Лабақ, Себордағи масжидларини, Эски Жўва, Ун бозорини, Яқкабозордаги (Ўрда ёнида) қарвонсаройларни киритиш мумкин. Ёки Салор, Оққўрғон, Дарвозакент ариқ-ларини устига қурилган, пишиқ гишдан ишланган мустаҳкам кўприклар-чи...
Ахир булар бари бугунги авлод, айниқса ёшлар учун ибрат мактаби эмасми? Зеро, маънавияти оқсак инсонларгина бундай эзгу ишларга қўл урадилар.
Энг муҳими — Ўқубжон бой фақир-йўқсиларга яхшилигини илоҳи борича яширин тарзда қилар, қончун, улар хижолат чекмасин дег барча соғва-салом, назр-наъизларини қоронғи жойларга қўйиб, атай чироқ ёқдирмасди. Зеро, камбағаллик — айб эмас, фақир ҳам худонинг бандаси...
1902 йилнинг 25 июнида Ўқубжон Ниёз Мухаммад ўғли Мирза Юсуф (бугунги Бодом-зор) маҳалласидан 1080 квадрат саржин жойи 580 ўрс рублига сотиб олади (Дарвоқе, бу жой генерал Кауфманнинг котиби Мирза Юсуфга тегишли бўлган, деган тахминлар бор). Бу ҳақда маъсус ҳужжат (Оценочный лист № 6201) архивда сақланмоқда.
Топограф А.Морозов 1902 йили чизган харитада бу жойларда кичкинагина уй-жойлар, мўъжаз масжид ва қабристон тасвирланган. 1913 йилги картограф маълумотларда эса масжид ва қабристон кўринмайди. Кескаларнинг хотирлашича, янги масжид 1914 йилда қурилган. Масжид битгақ, Ўқубжон Ниёз Мухаммад ўғли муқаддас ҳаж сафарига отланди.
У замоналарнинг транспорт бизга маълум. Хуллас, ҳожи Ўқубжоний фақат 1917 йилдагина ўз юртига қайтиб келди...
Зокиржон АЛИБЕКОВ,
“Хуррият” муҳбири

